# Тошкент оқшоми

2019 йил 25 январь, жума

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 15 (13.862)

Баҳоси эркин нархда


## АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ИСТИҚБОЛЛИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ УЧУН БАРЧА ШАРОИТ ЯРАТИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 январь куни 2019 йилда Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларига оид маълумотлар билан танишди.**

Давлатимиз раҳбари 2018 йил 21 декабрь куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида пойтахтимизга йирик бизнес вакиллари ва салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш, шаҳарда энг қулай инвестиция муҳитини яратиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Шунга мувофиқ, жорий йил 4 январь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент шаҳрини инфратузилмавий ривожлантиришга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга кўра, 2019 йилда Тошкент шаҳри иқтисодиётига 2 миллиард 700 миллион доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш, бунинг эвазига 273 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган.

Тақдимотда мазкур лойиҳаларнинг соҳалари ва жойлари, маблағларни ўзлаштириш муддатлари таҳлил қилинди.

Масалан, металлургия, тўқимачилик, озиқ-овқат, қурилиш, фармацевтика, нефть-кимё ва бошқа саноат тармоқларида жами 115 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 103 та, турар жойлар йўналишида 55 та лойиҳа режалаштирилган. Бу 37 мингга яқин иш ўрни яратиш ва аҳолининг маиший шароитларини янада яхшилаш имконини беради.

Президентимиз лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги ва ижтимоий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди. Хорижий инвесторларга кўмаклашиш, лойиҳаларнинг белгиланган муддатларда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича кўрсатмалар берди.

Инвестиция бўлмаса, иқтисодиёт ривожланмайди. Инвесторларга муҳит, инфратузилма яратсак, иш жойи бўлади, маҳсулот кўпаяди, солиқ тушади. Корхоналарнинг фаолиятини янада ривожлантиришга эътибор қаратиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари 8 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида инвестицияларнинг асосий қисмини ўзлаштиришни йилнинг охирги ойларига қолдириш амалиётига чек қўйиб, барча тармоқлар ва ҳудудларда буни биринчи ярим йилликда камида 35 фоизга, тўққиз ойликда 70 фоизга етказиш бўйича топшириқ берган эди. Шунга мувофиқ, Тошкент шаҳрида ҳам жорий йилги инвестицияларнинг 70 фоизини I-III чоракларда ўзлаштириш режалаштирилган. Ҳар бир лойиҳанинг босқичлари, масъуллари ва муддатлари аниқ белгиланган.

Тақдимотда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни мониторинг ва назорат қилиш механизми ҳақида ҳам сўзлаб берилди. Унга кўра, Тошкент шаҳар прокуратураси бошчилигида пойтахтимизнинг ҳар бир туманида ишчи гуруҳлар тузилган. Инвесторларга ер ажратилишидан бошлаб, лойиҳа фойдаланишга топширилгунча бўлган барча босқичлардаги чора-тадбирлар аниқ белгилаб қўйилган. Бу лойиҳаларни расмийлаштириш ва амалга ошириш жараёнида шаффофлик, ҳалоллик таъминланади, коррупцияга йўл қўйилмайди.

Шавкат Мирзиёев лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, уларни амалга оширишда юзага келадиган масалаларни тезкор ҳал қилиш, корхоналар ишга тушгандан кейин ҳам уларнинг самарали фаолият кўрсатишига ёрдам бериш зарурлигини таъкидлади.

Тошкент иқтисодиётига доир яна бир янгилик – Сергели туманида 100 гектардан зиёд ҳудудда Европа стандартлари бўйича замонавий индустриал технопаркни ишга тушириш режалаштирилган. Бунинг инвесторлар учун қулайлиги шундаки, барча бино-иншоотлар тўлиқ тайёр ҳолда топширилиб, зарур инфратузилма билан таъминланади.

Бугунги кунда технопаркни лойиҳалаш ишлари бошлаб юборилган, ҳозирданоқ 85 фоиз ер тадбиркорларга ажратиб берилган. Бу ерда 10 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш мўлжалланган.

Мутасаддиларга технопаркни тезроқ ишга тушириш, юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Тошкент шаҳрида коммунал хизматлар сифатини ошириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини модернизация қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Юнусобод туманидаги кўп қаватли уйларни бошқариш тизимини тажриба тариқасида профессионал бошқарув компанияларига ўтказиш лойиҳаси ҳақида маълумот берилди.

Юнусобод туманида 1 минг 212 та кўп қаватли уй бор. Режага кўра, ушбу уйларга хизмат кўрсатиш профессионал бошқарув компанияларига берилади. Бунинг натижасида тизимдаги молиявий ҳолатни соғломлаштириш, муаммоли кредитларни ҳал этиш, моддий-техник базани мустаҳкамлашга эришиш кўзда тутилган. Шундай бўлгач, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ҳам яхшиланади, туну кун ишлайдиган авария-диспетчерлик хизмати йўлга қўйилади.

Президентимиз кўп қаватли уйларнинг ҳолати, одамларнинг розилиги бу тизимга боғлиқ эканини таъкидлаб, ушбу тажрибани шаҳарнинг бошқа туманларида ҳам татбиқ этиш, соҳага ихтисослашган кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш бўйича топшириқлар берди.

Тошкент шаҳрида замонавий уйлар, меҳмонхоналар, таълим ва тиббиёт муассасалари ҳамда бошқа иншоотлар барпо этиш, иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш, коммунал хизматлар бошқарув марказини ташкил этиш лойиҳалари юзасидан ҳам тегишли кўрсатмалар берилди.

**ЎзА**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 14 январдаги ПФ–5630-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

**Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ташкилий тузилмаси** 1-иловага мувофиқ;

**Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг марказий аппарати тузилмаси** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси (кейинги ўринларда – Монополияга қарши курашиш қўмитаси) бошқарув ходимларининг чекланган сони **242** нафар, шу жумладан, Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сони **75** нафар этиб белгилансин.

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг раисига:

зарур ҳолларда, Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари тузилмасини тасдиқлаш;

(Давоми 2-бетда)

## ГЕРМАНИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНГА САРМОЯ КИРИТИШГА ҚИЗИҚМОҚДА

***Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Ангела Меркелнинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.***

Ташриф доирасида Берлинда Ўзбекистон – Германия ишбилармонлари бизнес-форуми, шунингдек, қатор тадбирлар, тақдимотлар бўлиб ўтди. Уларда иштирок этган икки мамлакат вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари Ўзбекистон – Германия ҳамкорлиги истиқболлари борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**Экхарт ФРАНЦ, Германия Федератив Республикаси иқтисодиёт вазири ўринбосари:**

– Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар менда катта таассурот қолдирди. Давлатингиз раҳбари томонидан жадал иқтисодий ислоҳотлар ўтказилаётгани ҳамкорлик учун янги имкониятлар очмоқда. Ўзбекистон – Германия бизнес-форумида 300 дан ортиқ германиялик тадбиркор иштирок этгани мамлакатингиз билан савдо алоқаларини ривожлантириш, инвестиция киритиш ва бизнес юритишга катта қизиқиш борлигидан далолат.

Ўзбекистон – Германия ҳукуматлараро ишчи гуруҳи мажлисида иштирок этиш асносида ўзбекистонлик ҳамкасбларим билан иқтисодий соҳалардаги шерикликнинг устувор йўналишларини таҳлил қилдик. Шуни мамнуният билан қайд этишни истардимки, ушбу йўналишдаги ҳамкорлик учун мамлакатларимизда салоҳият юқори. Юртингизнинг дунё ҳамжамияти учун тобора очилиб бораётгани унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириб, ўзаро ҳамкорлик учун кенг имкониятлар яратмоқда.

**Алишер ШОДМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири:**

– Германия тиббиёти саратон касалликлари билан боғлиқ масалаларни муваффақиятли ечиб келмоқда. Шу боис онкология соҳасида Германия билан ҳамкорлик бошладик. Бунинг самарасида бир нечта лойиҳалар бўйича шартномалар имзоладик. Жумладан, Тошкент туманида онкология маркази бунёд этишга келишдик. Бу ерда лойиҳанинг асосий ҳамкорлари "OPASCA" компанияси ва Маннҳайм университети клиникаси мутахассислари фаолият кўрсатади. Марказ Ўзбекистонда онкологларни тайёрлашда ҳам катта ҳисса қўшиши кутилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

## БМТ ШАФЕЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТРАСТ ФОНДИНИНГ БИРИНЧИ ДОНОРИ – ЎЗБЕКИСТОН

***Тошкентда 24 январь куни БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фонди бошқарув кенгашининг илк йиғилиши бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎзА.***

Унда мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, БМТ ва унинг тузилмалари, донор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси Сухроб Холмуродов ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Хелена Фрейзер олиб борди.

– Бугун Орол фожиаси оқибатлари халқаро ҳамжамиятдан жиддий эътиборни талаб қилмоқда, – деди С.Холмуродов. – Айниқса, сўнгги йилларда кузатилаётган Оролбўйи минтақасидаги экологик вазият бу борада барча ташаббусларни бирлаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

С.Холмуродовнинг қўшимча қилишича, БМТ шафелигида ташкил этилган Траст фондининг биринчи донори сифатида Ўзбекистон турибди. Ундан кейинги ўринда Норвегия, Япония ҳам донорлик қилиш истагини билдирган. Айни вақтда донорлар сафини кенгайтириш ишлари кетмоқда. Хусусан, турли мамлакатлар молиявий ресурсларига 80 дан зиёд мурожаатлар йўлланган.

Йиғилишда Траст фондининг фаолият йўналишлари, дастурий стратегияси ва бошқа тегишли асослари кўриб чиқилди.

Фонд Оролбўйи ҳудудида экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва донорлар ҳамжамиятининг маблағларини сафарбар қилишда ягона майдон бўлиб хизмат қилади. Унинг дастурий стратегияси эса Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида экологик, иқтисодий, озиқ-овқат, ижтимоий ва аҳоли саломатлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

Унга 123,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ тўпланиши режалаштирилган. Мазкур маблағ асосида 2023 йилга қадар бир қанча йирик лойиҳалар амалга оширилади. Таклифлар асосида бу муддат яна узайтирилиши мумкин.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг Экология ва Оролбўйи ҳудудларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Жусипбек Казбеков сўзга чиқди.

– Ўтган йилнинг май ойида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида содир бўлган фавқулодда ҳодисани эсга олайлик, – деди Ж.Казбеков. – Ўшанда ёмғир аралаш туз бўрони ҳар иккала ҳудудга ҳам ёпирилган эди. Бугун мана шундай фалокатларнинг олдини олиш мақсадида Оролнинг қуриб қолган ҳудудида саксовул ва бошқа шўрхокликка чидамли ўсимликлардан иборат минглаб гектарлик бутазорлар барпо этилмоқда. Бу жараёнда Траст фонди кўмагида янги технологиялар ва инновацияларни ўз ичига олган лойиҳалар амалга оширилса, мақсадга мувофиқдир.

Йиғилишда фонднинг техник ва ишчи гуруҳи аъзолари бир овоздан тасдиқланди.

**Малоҳат ҲУСАНОВА**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 14 январдаги ПФ–5630-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

**Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ташкилий тузилмаси** 1-иловага мувофиқ;

**Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг марказий аппарати тузилмаси** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) бошқарув ходимлари чекланган сони **90** нафар, шу жумладан, Агентлик марказий аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган сони **50** нафар этиб белгилансин.

Агентлик директорига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

зарур ҳолларда, Агентлик марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари тузилмаларини тасдиқлаш;

бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида Агентлик ҳудудий бошқармаларининг бошқарув ходимлари чекланган сонини тасдиқлаш;

(Давоми 2-бетда)

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази ҳамда Германиянинг "Bundessortenamt" қишлоқ хўжалиги экинларини синаш федерал маркази ҳамкорлиги йўлга қўйилди.**

**• Наманганда Ижтимоий мослашув марказларида ҳал этилган муаммолар юзасидан аҳолининг хабардорлигини ошириш масаласига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.**

**• Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ва унинг қуйи тизимларида 2018 йилда амалга оширилган ишлар якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

**• Тошкент вилояти божхона бошқармасининг "Бекобод" темир йўл чегара божхона постида темир йўл вагонларини рентген-сканер қилиш қурилмасига эга инспекцион кўрик мажмуаси ишга туширилди. Бу ерда ўрнатилган замонавий рентген-сканер қурилмаси катта ҳажмли транспорт воситалари ёки контейнерлар ичидаги товарлар шаклини кўриш имконини беради. Бу қулайлик, ўз навбатида, контейнердаги товарларнинг декларацияда кўрсатилганига нечоғли мослигини, контрабанда предметлари бор-йўқлигини назорат қилишга замин ҳозирлайди.**

### ЖАҲОНДА

**• "Кристис" кимошди савдо уйида машҳур француз кино юлдузи Кётрин Денёв либослари намойиши ва уларнинг аукциони бўлиб ўтди. Мухлислар эътиборига Кётриннинг 130 га яқин ноёб ва қимматбаҳо кийим-кечаклари, жумладан, 1969 йилда "Оскар" мукофотларини топшириш маросимида кийган кўйлаги ҳавола қилинди. Кино юлдузи кимошди савдосидан тушган маблағни қандай мақсадларга сарфлашини ошкор қилгани йўқ.**

**• Швециянинг Упсала шаҳридаги компанияларнинг бири томонидан 3D босма усулида дунёдаги энг мустаҳкам пўлатни қуйиш жараёни амалга оширилди. Пўлатнинг янги тури ўта юқори коррозияга ва иссиққа чидамлилиги хусусиятлари билан ажралиб туради.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳудудий бошқармалари бошқарув ходимларининг чекланган сонини тасдиқлаш;

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Монополияга қарши курашиш қўмитаси бошқарув ходимлари мутахассисларининг қўшимча штат бирликларини киритиш;

малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни ходимлар ва маслаҳатчилар сифатида жалб қилиб, уларга, истисно тариқасида, Монополияга қарши курашиш қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорларини белгилаш;

Монополияга қарши курашиш қўмитаси ходимлари учун, қонунчиликда назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, Монополияга қарши курашиш қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан, улар эгаллаган асосий лавозими бўйича мансаб маошларига (тариф ставкаларига) устамалар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар белгилаш;

халқаро амалиётдан ва бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда, Монополияга қарши курашиш қўмитасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун контракт асосида жалб қилинадиган малакали хорижий мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Монополияга қарши курашиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда – Давлат рақобат қўмитаси) монополияга қарши курашишни тартибга солиш, рақобат муҳитини ривожлантириш, табиий монополиялар субъектлари фаолиятини назорат қилиш ва товар-хом ашё биржаларини лицензиялаш борасидаги барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Монополияга қарши курашиш қўмитаси ўз ваколатларини барча давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган алоҳида масалалар бўйича – бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунади ва ҳисобдор бўлади;

Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолият соҳасига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда у билан келишилиши шарт;

мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилотларда Монополияга қарши курашиш қўмитаси ваколатига кирадиган масалалар бўйича текширувлар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органни хабардор қилиш тартибида амалга оширилади ҳамда Текширувларни электрон шаклда рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олиниши шарт;

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг раиси, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, мақоми, тиббий ва транспорт хизмат кўрсатиш шароитлари бўйича тегишли равишда вазир, вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Монополияга қарши курашиш қўмитаси ходимларига нисбатан қайта ташкил этилган Давлат рақобат қўмитаси ходимлари учун назарда тутилган тиббий хизмат кўрсатиш тартиби сақланиб қолади;

Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан илгари берилган ҳужжатлар ва улар қабул қилган қарорлар ўз кучини сақлаб қолади ҳамда унинг қайта ташкил этилиши муносабати билан бекор қилинмайди ёхуд ўзгартирилмайди.

4. Монополияга қарши курашиш қўмитасига:

рақобат муҳитини ривожлантириш ва табиий монополиялар субъектлари фаолиятини назорат қилиш масалалари юзасидан амалга ошириладиган тадбирларга иқтисодий, молия, солиқ органлари ва бошқа органлар ходимларини жалб қилиш;

монополияга қарши сиёсат ва рақобатни муҳофаза қилиш соҳаларидаги қонун бузилиши ҳолатларини ҳамда уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни ўз ваколатлари доирасида давлат органлари ва ташкилотларига киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2019 йил 1 июлдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашуви ва қўшиб олиниши бўйича битимлар, шунингдек, шахс ва шахслар гуруҳи томонидан хўжалик юритувчи субъект устав капитали (жамғармаси)даги акциялар (улушлар)ни сотиб олиш бўйича битимларга дастлабки розилик бериш учун энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида йиғим ундирилади.

6. Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда **бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин ва унинг манбалари қуйидагилар этиб белгилансин:

рақобат ва табиий монополиялар ҳақидаги қонунчиликни бузганлик учун ундирилган асоссиз олинган даромадларнинг суммаси;

рақобат, табиий монополиялар ҳақидаги қонунчиликни бузганлик ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси тақдимномаларини бажарилмаганлик учун Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан хўжалик юритувчи субъектлардан ва уларнинг мансабдор шахсларидан қонунчиликда белгиланган тартибда ундириладиган жарима маблағлари;

хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашуви ва қўшиб олиниши бўйича битимлар, шунингдек, шахс ва шахслар гуруҳи томонидан хўжалик юритувчи субъект устав капитали (жамғармаси)даги акциялар (улушлар)ни сотиб олиш бўйича битимларга дастлабки розилик бериш учун йиғимлар;

Жамғарма маблағларини тижорат банклари депозитларига қўйишдан олинган даромадлар;

халқаро институтлар ва ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг грантлари маблағлари ва ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари:

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг жорий харажатларини молиялаштиришга;

ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш, шунингдек, улар томонидан турар жой сотиб олинишини имтиёзли молиялаштиришга;

Монополияга қарши курашиш қўмитаси раҳбарлари ва мутахассисларини ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга;

жалб этиладиган хорижий мутахассислар фаолиятига, халқаро ва хорижий ташкилотларга ҳақ тўлаш чора-тадбирларини амалга оширишга сарфланади.

8. Монополияга қарши курашиш қўмитаси икки ой муддатда:

а) Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақидаги қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда:

**Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикасини** ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

қонун ҳужжатларига рақобат ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик, ахборот бермаслик ёки била туриб нотўғри ахборот бериш, Монополияга қарши курашиш қўмитаси тақдимномаларини бажармаслик, шунингдек, унинг ходимлари фаолиятига аралашганлик ҳамда уларга юклатилган вазифа ва функцияларни қонуний бажаришларига тўсқинлик қилиш мақсадида ҳар қандай шаклда таъсир ўтказганлик учун юридик шахсларга жарималар қўллаш ва маъмурий жавобгарлик белгилашни назарда тутувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида таклифлар тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат органи сифатида **Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузурида Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлигини** ташкил этиш ҳамда тегишли давлат органлари ва муассасаларининг штат бирликларини ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида назоратни амалга ошириш борасидаги ваколатларини унга ўтказиш бўйича таклифлар киритсин;

в) **2019-2023 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегиясини** ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин, унда, жумладан, қуйидагилар назарда тутилсин:

рақобатни ҳимоя қилиш ва ривожлантириш тизимини трансформация қилиш ҳамда монополияга қарши тартибга солишнинг миллий иқтисодиётда ва жаҳон иқтисодиётида юз бераётган таркибий ўзгаришлар ва жараёнларнинг юксак талабларига жавоб берадиган мутлақо янги илғор моделини яратиш;

товар ва молия бозорларини таҳлил қилишнинг мослашувчан, шу жумладан, хулқ-атвор иқтисодиёти (behavioral economics) тамойилларига асосланган воситалари ва усулларини жорий этиш;

рақобатни ҳимоя қилиш бўйича олдини олувчи воситаларни, шу жумладан, монополияга қарши комплаенс механизми – биринчи навбатда товар ва молия бозорларида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ичида рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқликни таъминлаш тизимини жорий этиш;

рағбатлантирувчи тарифлар шакллантиришнинг рақобатни кучайтирувчи таъсир кўрсатадиган янги юқори самарали усуллари ва уларни қўллашни назорат қилиш механизмларини жорий этиш ҳисобига товарлар (ишлар, хизматлар) нархлари (тарифлари)ни давлат томонидан тартибга солиш тизимини тубдан такомиллаштириш;

рақамли иқтисодиётни монополияга қарши тартибга солишнинг самарали воситаларини, шу жумладан, рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилишлари трансчегаравий шаклларининг олдини олиш мақсадида яратиш;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораларини кучайтириш ва бир вақтнинг ўзида ҳуқуқни қўллашда кенг ихтиёр берадиган ваколатларни бекор қилиш;

"картель" келишувлар ва тил бириктиришлар каби рақобатга қарши ҳаракатларнинг мураккаб турларини аниқлаш ва уларга чек қўйиш мақсадида ҳуқуқ-тартибот органлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш;

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти методикаси бўйича товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини ривожлантириш индикаторларидан фойдаланган ҳолда Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини (KPI) жорий этиш;

рақобатни чеклаш ҳолатларини аниқлаш ва уларга нисбатан таъсир чораларини кўриш тезкорлигини ошириш учун Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятига инновацион ишланмалар ва ахборот технологияларини жорий этиш;

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг кадрлар салоҳиятини тизимли равишда ошириш, олий ўқув юртлари ўқув дастурларига рақобат сиёсати ва рақобат ҳуқуқи соҳасида кадрларни тайёрлаш бўйича махсус йўналишларни жорий этиш;

муносиб моддий таъминот ва ижтимоий шароитлар борасида ижтимоий кафолатларни назарда тутган ҳолда Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда коррупцияни келтириб чиқарувчи турли омилларнинг олдини олиш.

9. Монополияга қарши курашиш қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик ахбороти мажбурий тарқатиладиган ташкилотлар рўйхатига;

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сонли қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида ушбу қарорни 2019 йилда амалга ошириш бўйича Монополияга қарши курашиш қўмитаси харажатлари учун маблағлар ажратсин ва 2020 йилдан бошлаб ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил учун тасдиқланган харажатлар сметасига ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Монополияга қарши курашиш қўмитасига хизмат автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун зарур пул маблағлари ажратилишини таъминласин ва 5 та хизмат, шу жумладан, 4 та шахсий бириктирилган хизмат енгил автомобилларини сақлаш учун лимит белгиласин;

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг асослантирилган ҳисоб-китобларига биноан маъмурий биноларини таъмирлаш ҳамда моддий-техника базасини шакллантириш мақсадида зарур мебель, ускуналар ва ахборот-коммуникация технологияларини сотиб олиш учун зарур пул маблағлари ажратилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги белгиланган тартибда Монополияга қарши курашиш қўмитасини телефон алоқаси, шу жумладан, ҳукумат телефон алоқаси билан таъминласин.

13. Ички ишлар вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари қайта ташкил этилиши муносабати билан йиғимлар ва бошқа тўловларни ундирмаган ҳолда тегишлилиги бўйича:

Монополияга қарши курашиш қўмитаси тасарруфига ўтадиган автотранспорт воситаларини ички ишлар органларида қайта рўйхатдан ўтказишни;

кўчмас мулк объектларига ва бошқа мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни Монополияга қарши курашиш қўмитасига қайта расмийлаштиришни амалга оширсин.

14. Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларга кўриб чиқиш учун киритиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

15. Монополияга қарши курашиш қўмитаси Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 3-уй манзилига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳудудий бошқармаларини қайта ташкил этилган Давлат рақобат қўмитаси ҳудудий органларининг ҳозирги жойлашган биноларида жойлаштирилишини, зарур ҳолларда, янги бино ажратилишини таъминласин.

16. Монополияга қарши курашиш қўмитаси бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2019 йил 24 январь*

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Агентлик бошқарув мутахассисларининг қўшимча штат бирликларини киритиш;

маҳаллий ва хорижий малакали мутахассисларни ходим ва маслаҳатчи сифатида, истисно тариқасида уларга Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини белгилаган ҳолда, жалб қилиш;

Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Агентлик ходимларининг асосий эгаллаб турган лавозимига кўра лавозим маошлари (тариф ставкалари)га, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, устама ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни белгилаш;

Агентликка юклатилган вазифаларни бажариш учун шартнома асосида жалб этиладиган малакали хорижий мутахассисларнинг иш ҳақи миқдорини халқаро тажриба ва бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар Агентликни таъминлаш бўйича харажатларнинг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

4. Белгилансинки:

а) Агентлик:

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат рақобат қўмитаси) ва Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг қимматли қоғозлар бозорини, шу жумладан, қимматли қоғозлар савдосини ташкил этувчиларни ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини тартибга солиш, шунингдек, корпоратив бошқарувни ривожлантириш борасидаги барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади;

ўз ваколатларини мустақил равишда ва барча давлат органлари, ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил ҳолда олиб боради ҳамда ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига бўйсунади ва ҳисобот беради;

фонд биржалари фаолиятини ва қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни лицензияловчи орган ҳисобланади;

лотереялар ташкил этиш фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади;

б) Агентлик фаолият соҳасига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Агентлик билан мажбурий тартибда келишилиши шарт;

в) мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотларда Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича текширувлар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органни хабардор қилиш тартибида ва Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказилган ҳолда амалга оширилади;

г) Агентлик директори, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, мақоми, тиббий ва транспорт хизмат кўрсатиш шароитлари бўйича тегишли равишда вазир, вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

д) Агентликнинг ҳудудий бошқармалари раҳбарларини лавозимга тайинлаш Агентлик директори томонидан тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

е) Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторининг ишга қабул қилишда таълимнинг энг паст даражаси, ишчилар касблари бўйича малака даражаларини белгилаш борасидаги талаблари хорижий олий таълим муассасаларини тамомлаган тегишли йўналишдаги мутахассисларга нисбатан, истисно тариқасида, Агентлик учун тавсиявий хусусиятга эга;

ж) Агентлик ходимларига тугатилаётган Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ходимлари учун назарда тутилган тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби сақлаб қолинади;

з) Давлат рақобат қўмитаси ва Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан аввал берилган ҳужжатлар ва илгари улар томонидан қабул қилинган қарорлар ўз кучини сақлаб қолади ва ушбу органларнинг қайта ташкил этилиши муносабати билан уларни бекор қилиш ёки ўзгартириш талаб этилмайди;

и) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан аввал берилган лотереяларни ташкил этиш фаолиятини юритиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар уларнинг муддати тугагунга қадар ўз кучини сақлаб қолади ва ушбу ваколатлар Агентликка ўтиши муносабати билан қайта расмийлаштирилмайди.

5. Агентлик ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда **бюджетдан ташқари Капитал бозорини ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин.

Жамғармани шакллантиришнинг асосий манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

фонд биржасида қимматли қоғозлар савдосини амалга оширишда сотувчи томонидан тўланадиган йиғим;

эмиссиявий қимматли қоғозларнинг дастлабки чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган йиғим;

эмиссиявий қимматли қоғозларни йириклаштириш жараёнида уларнинг номинал қиймати оширилганда эмитент томонидан тўланадиган йиғим;

лотереяларни ташкил этиш фаолиятини юритиш ҳуқуқини берувчи лицензия талабгорининг аризасини кўриб чиқиш ва лотерея ўтказиш шартларини тасдиқлаш учун ундириладиган йиғим;

Агентлик томонидан белгиланган тартибда ундириладиган бошқа йиғимлар;

Агентлик томонидан хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан қимматли қоғозлар бозори ҳамда лотереяларни ташкил этиш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ундириладиган жарималардан келиб тушган маблағлар;

Жамғарма маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар;

халқаро ташкилотлар ва институтлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг грант маблағлари ва ҳомийлик хайриялари;

қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари:

Агентликнинг жорий харажатларини молиялаштиришга;

ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш, шунингдек, турар жой олишини имтиёзли молиялаштиришга;

Агентлик раҳбарлари ва мутахассисларини ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга;

жалб этиладиган хорижий мутахассислар фаолиятига, халқаро ва хорижий ташкилотларга ҳақ тўлаш чора-тадбирларини амалга оширишга сарфланади.

7. Агентлик:

а) Олий суд, Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар қонун ҳужжатларига қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, шунингдек, Агентликнинг кўрсатмаларини бажармаганлик учун юридик шахсларга нисбатан жарималар қўллаш ва маъмурий жавобгарлик белгилашни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифларни тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) 2019 йил 20 декабрга қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда халқаро молия институтлари ва экспертлар билан ҳар томонлама муҳокама қилиниб, илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида ишлаб чиқилган ва қуйидагиларни назарда тутувчи **Капитал бозорини ривожлантириш стратегиясини** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин:

аҳоли, тадбиркорлар ва иқтисодиётнинг инвестициявий талабларини максимал даражада қаноатлантириш мақсадида молия бозорининг уйғун фаолияти ва унинг барча сегментлари ривожланишини таъминлаш;

капитал бозорининг барча, шу жумладан, хорижий иштирокчилар учун тенг шароит ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини яратиш, шу аснода соғлом рақобат муҳитини шакллантириш;

халқаро молия бозорлари билан фаол интеграциялашув, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ва хорижда муваффақиятли синовдан ўтган илғор ёндашувлардан фойдаланиш орқали барча тоифадаги инвесторлар учун капитал бозорининг қулайлигини ошириш;

илғор халқаро амалиётни жорий қилиш, ортиқча тўсиқлар, чекловлар ва соҳанинг ҳаддан ташқари тартибга солинганлигини бартараф этиш орқали фонд бозорида ривожланиш мақсадларига йўналтирилган инвестицияларни фаол молиялаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

инвесторлар учун жозибадор механизмларни жорий қилиш ҳисобига капитал бозорининг капиталлашуви ва рақобатбардошлигини ошириш, банк томонидан кредитлашнинг самарали муқобил механизмини яратиш;

тегишли халқаро мезонлар ва тажрибаларни жорий қилган ҳолда, капитал бозорини тартибга солишнинг яхлитлигини, тизимли таваккалчиликларнинг олдини олишни таъминловчи зарур қонунчилик базасини ишлаб чиқиш;

иқтисодий сиёсат мақсадлари ва саноатни мутаносиб ривожлантириш зарурати билан боғлиқ ҳолда капитал бозорини яхшилаш бўйича чора-тадбирларнинг тартибли мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

хорижий молия бозорларида рақобатбардошликни ошириш учун фойдаланиладиган асослантирилган имтиёз ва преференцияларни бериш орқали капитал бозорида инвестициявий ва ишбилармонлик фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш ҳамда кенгайтириш;

капитал бозорини замонавий талабларга мос кадрлар билан таъминлашнинг барқарор тизимини ривожлантириш, истиқболли, шу жумладан, хорижий мутахассисларни жалб қилиш учун жозибадор шарт-шароитларни яратиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида ушбу қарорни 2019 йилда амалга ошириш бўйича Агентлик харажатлари учун маблағлар ажратсин ва 2020 йилдан бошлаб ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил учун тасдиқланган харажатлар параметрларига ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Агентликка хизмат автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун зарур маблағларнинг ажратилишини таъминласин ва 4 та хизмат, шу жумладан, 3 та шахсий бириктирилган хизмат енгил автомобилларини сақлашга лимит белгиласин;

Агентликнинг асослантирилган ҳисоб-китобларига асосан моддий-техника базани шакллантириш мақсадида зарурий жиҳозлар ва ахборот-коммуникация технологияларини харид қилиш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентликни телефон алоқаси, жумладан, ҳукумат алоқаси билан белгиланган тартибда таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ҳамда унинг ҳудудий органлари қайта ташкил этилиши муносабати билан давлат божлари ва бошқа турдаги йиғимларни ундирмаган ҳолда тегишлилиги бўйича:

Агентлик ва унинг ҳудудий органлари тасарруфига ўтадиган автотранспорт воситаларининг ички ишлар органларида қайта рўйхатдан ўтказишни;

кўчмас мулк ва бошқа мол-мулк ҳуқуқларини тегишлича Агентлик ва унинг ҳудудий органларига қайта расмийлаштиришни таъминласин.

12. Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари зиммасига юкланган ваколатларга мувофиқ судларга кўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

13. Агентлик Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сонли қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

14. Агентлик Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй манзилига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда Агентликнинг ҳудудий бошқармаларини уларнинг ҳозирги жойлашуви бўйича биноларга жойлаштиришни таъминласин.

15. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг бюджетдан ташқари Капитал бозорини ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритсин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифларни киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2019 йил 24 январь*

# ГЕРМАНИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНГА САРМОЯ КИРИТИШГА ҚИЗИҚМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Бундан ташқари, Тошкент тиббиёт академияси клиникаси ҳудудида онкология учун махсус марказ ташкил этиш бўйича "Fresenius Vamed" компанияси билан шартнома имзоланди. Ушбу клиникада ҳам немис мутахассислари иштирокида саратон хасталикларининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва даволаш бўйича янги мактаб яратилади.

**Алишер МИРСОАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси:**

– Икки мамлакат ишбилармонлари бизнес-форуми доирасида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Германиянинг учта банки ўртасида 500 миллион евролик шартномалар имзоланди. Ушбу кредит маблағлари мамлакатимизга Европанинг энг замонавий ускуна ва технологияларини олиб келиш имконини беради. Натижада экспортбоп ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми янада кенгаяди.

Давлатимиз раҳбари халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида банклар нафақат маблағ жалб қилиши, балки бизнес ҳамкорлар топиши ҳам зарурлигини таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб, форумда германиялик ҳамкорлар билан жами қиймати 100 миллион еврога тенг яна 4 та йирик лойиҳа бўйича келишувга эришдик. Ушбу лойиҳалар тўқимачилик, тиббий анжом ва қадоқлаш материаллари ишлаб чиқариш йўналишларида бўлиб, мингдан зиёд қўшимча иш ўринларини яратиш имконини беради.

**Юрген РИХТЕРИН, ЕТТБ вице-президенти:**

– Ўзбекистондаги фаолиятимиз 2016 йилдан бошлаб изчил ривожланмоқда. Сўнгги 18 ой мобайнида қиймати 500 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган 16 та лойиҳани рўёбга чиқаришга оид ҳужжатлар имзоладик. Бугун газ соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган 250 миллион АҚШ долларига тенг шартномага имзо чекдик. Келгусида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда хусусий сектордаги фаолиятимизни янада ривожлантириш ниятидамиз.

**Жон ван дер ВЕЛДЕН, "Linde" концерни бошқаруви аъзоси:**

– Форум доирасида ўзбекистонлик вакиллар билан Хоразмда газ-кимё мажмуасини ривожлантириш бўйича музокара олиб бордик. Бу лойиҳада иштирок этишдан мамнунмиз. Уни амалга ошириш учун олдиндан инвестиция киритишга, лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини тайёрлаш устида иш олиб боришга тайёрмиз.

Ўзбекистоннинг нефть-газ соҳасидаги салоҳияти юқори. Саноатнинг ушбу тармоғида қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётгани боис мамлакатингиз билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдормиз. Бизнинг келишувимиз газни нафақат экспорт қилиш, балки қайта ишлаш, нефть-газ маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйишни назарда тутади.

**Кетлин ГЁБЕЛЬ, "CULTURAL cooperation international" компанияси директори:**

– Ташриф арафасида Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонасида юртингиз маданий меросига оид китоб-альбом тақдимоти ўтказилди. Ушбу лойиҳа мамлакатингиз маданияти ва санъатини ўрганиш, уни тарғиб қилишга бағишланганi билан муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлашни истардим. Боиси, тақдим этилган китобда Германияда сақланаётган Ўзбекистон маданияти ва санъатига оид ноёб мерос ҳақида қимматли маълумотлар жамланган. Улар орқали Ўзбекистон билан яқиндан танишиш, юртингиз ҳақидаги билимларни ошириш мумкин.

**Заша ХЕНДЛЕР, "Textima Export Import" компанияси савдо директори:**

– Мамлакатингиз билан дўстона ва ўзаро ишонч руҳидаги ҳамкорлигимиз самарали кечмоқда. Ўзбекистоннинг қатор банклари билан ҳамкорлик меморандумлари имзолаганмиз. Келгусида ўзаро алоқалар янада ривожланишига ишонамиз. Бўлиб ўтган бизнес-форум доирасида ўзбекистонлик шериклар билан учрашиш, истиқболли лойиҳалар бўйича мулоқотни йўлга қўйиш имконига эга бўлдик.

**Клаус БОНЕМАН, "Wehrhahn" қурилиш компанияси директори:**

– Қурилиш соҳаси технологияларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган компаниямиз бир йилдан буён Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилмоқда. Яқинда мамлакатингизнинг яна бир компанияси билан бетон саноатида ғовак тош ишлаб чиқариш технологиясини жорий этиш бўйича музокара олиб бордик. Ишонамизки, бу ускуналар амалиётда кутилган самарани беради. Бундан ташқари, ўтган йили юртингизда бўлиб ўтган халқаро инвестиция форуми доирасида Тошкент, Самарқанд ва Жиззах шаҳарларидаги саноат корхоналарида компаниямиз технологияларини ўрнатиш тўғрисида меморандум имзолаган эдик. Шу каби келишувларимиз Ўзбекистонни сифатли, замонавий қурилиш материаллари билан таъминлаш имконини беради.

**Фальк ПОРШЕ, "Дойче Кабель АГ Тошкент" қўшма корхонаси ижрочи директори:**

– Ўзбекистон бозорида 20 йилдан буён фаолият юритиб келяпмиз. Мазкур иқтисодий форумда иштирок этиш учун 250 дан ортиқ ўзбекистонлик тадбиркорлар Берлинга ташриф буюрганини эшитиб қувондик. Мазкур йирик анжуман ҳам мамлакатингизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кўплаб ташаббус ва ислоҳотлар натижасидир. Биз ҳам Ўзбекистон энергетика соҳасига инвестициялар киритиш истагидамиз.

**Франк ХУБРИХ, "Takraf" компанияси бошқаруви раиси ва бош директори:**

– Компаниямиз тоғ-кон саноати соҳасида фаолият юритади. Ҳозирги кунда ичимлик сувини қайта ишлашга мўлжалланган янги технологиялар ишлаб чиқариш бўйича ҳам ўз хизматларимизни таклиф этмоқдамиз. Хусусан, мамлакатингизнинг кимё саноати соҳасига ихтисослашган компаниялари билан биргаликда иш олиб бормоқдамиз.

Ўзбекистон тоғ-кон саноати корхоналари учун керакли "Ташкура" технологиясини етказиб бериш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Шунингдек, Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси фаолиятида иштирок этаяпмиз. Бугун шериклик муносабатларини кенгайтириш имконияти яратилмоқда. Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар инвесторлар ишончини мустаҳкамламоқда.

Ўзбекистонда Германия фуқаролари учун визасиз тартиб жорий этилгани кенг жамоатчилик томонидан мамнуният билан қабул қилинди. Эндиликда бизнес доира вакиллари ёки сайёҳлар юртингизга бемалол сафар қилиши, Шарқ тамаддунига бешик мамлакатингиз тарихи ва бугунги ривожланиш жараёнлари билан бевосита танишиши мумкин.

**Ханс-Юрген ХЕННЕС, Маннҳайм университети клиникаси раҳбари:**

– Клиникамизда асосан онкологик соҳада илмий текширувлар олиб борилади. Хорижий тиббий муассасалар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Бу тўпланган бой тажриба билан ўртоқлашиш имконини беради. Бугун ушбу ҳамкорлик Ўзбекистон билан ҳам йўлга қўйилаётганидан мамнунмиз. Юртингиз шифокорлари учун турли ўқув амалиётлари, малака ошириш курслари орқали ўз билим ва тажрибамизни ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан бўлишиш истагидамиз. Шунингдек, турли лойиҳалар доирасида Германия тиббиёти ютуқларини мамлакатингизда ҳам татбиқ қилиш имкониятларини кўриб чиқамиз.

**Карстен ФЮЛЬСТЕР, Халқаро молия корпорацияси минтақавий директори:**

– Ўзбекистонда жадал ислоҳотлар юз бераётганидан хабардормиз. Бу жараён германиялик тадбиркорларга мамлакатингизда ўз бизнесини йўлга қўйиш ва у ердан туриб Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида ўз фаолиятини олиб боришига имкон яратади. Халқаро молия корпорацияси номидан шуни айтишим мумкинки, биз Ўзбекистонда истиқболли ривожланиш жараёнини кузатмоқдамиз. Шу боис, мамлакатингизда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаб, иш ўринлари яратилишига кўмаклашамиз.

Мен мамлакатингиздаги ислоҳотлар юксак самаралар беришига ишонаман ва бу йўлда омадлар тилайман. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Германияга ташрифи доирасида бўлиб ўтган бизнес-форум турли соҳадаги тадбиркорлар ва ҳамкорлар мулоқоти янада ривож топиб боришидан далолат беради.

**Маттиас РЕСЛЕР, сиёсатчи, Саксония Ландтаг парламенти президенти:**

– Германия билан Ўзбекистон ўртасида маданий-маърифий алоқалар ривожланиб бормоқда. Бизнинг мақсадимиз икки мамлакат олимлари ва талабалари ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришдир. Нафақат тадбиркорлар, балки икки мамлакат ёшлари, олимларининг ўзаро ҳамкорлиги ва тажриба алмашиши ўта муҳим. Германиянинг Берлин, Дрезден, Лейпциг, Штуттгарт ва бошқа шаҳарларидаги музейларда Ўзбекистон тарихига оид нодир санъат асарлари ва экспонатлар мавжуд. Ўзбекистон Президентининг Германияга расмий ташрифи нафақат иқтисодий, балки илм-фан, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг янги қирраларини очишга хизмат қилади.

**Клаус МАНГОЛЬД, "Mangold" консалтинг гуруҳи раиси:**

– Ўзбекистонда сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида олиб борилаётган ислоҳотлар мамлакатнинг дунёга тобора очилиши, Германия, қолаверса, Европа Иттифоқи учун ҳамкорлик йўлидаги катта имкониятдир. Мазкур форум ҳам немис ишбилармонларининг Ўзбекистон иқтисодиётига қизиқишидан далолат беради. Бу орқали қишлоқ хўжалиги, кимё, озиқ-овқат, нефть ва газ саноати соҳаларида мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш имконияти туғилади. Германия ишбилармонлари бу жараённи жадаллаштиришга ўз ҳиссасини қўшиш истагида.

Ўзбекистонда айни пайтда кўплаб ижобий ўзгаришлар бўлаётганига гувоҳман. Мамлакатингиз эндиликда Марказий Осиё минтақасининг иқтисодий ўсишига туртки бўлиши лозим. Бугунги тадбир Германия Президентининг мамлакатингизга ташрифи билан давом этиб қолмай, балки немис ишбилармонлари делегациясининг жорий йил кузидаги ташрифи билан боғланиб кетади.

**Штефан ЭККЕРТ, "Ҳумана" корхонаси бошқаруви директори:**

– Биз уч ярим йилдан буён Ўзбекистондаги шериклар билан фаол ҳамкорлик қилмоқдамиз. Мақсадимиз Ўзбекистон бозорида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга ҳиссамизни қўшишдир. Биз болалар озиқ-овқатлари ишлаб чиқариш соҳасидаги лойиҳамизни амалга ошириш баробарида витаминларга бой маҳсулотларга бўлган талабни ҳам қондириш истагидамиз. Нафақат хомашёни қайта ишлаш, балки жаҳон стандартларига мос маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича музокаралар олиб бордик ва икки томонлама келишувларга эришдик. Галдаги вазифамиз молиявий ва техник масалаларни ҳал қилиб лойиҳани ишга тушириш.

**Стефан ЕНЧ, "Обермайер" компанияси директори:**

– Ўзбекистонлик ҳамкорлар билан ўзаро келишув имзолаганимиздан хурсандмиз. Навбатдаги учрашувларда техника соҳасидаги ҳамкорликнинг янги имкониятлари тўғрисида келишиб оламиз. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун инфратузилмани ривожлантириш энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Тадбирга 300 га яқин ишбилармонлар ташриф буюргани бизни ҳайратда қолдирди. Бу дастлабки ҳамкорлигимиз учун яхши кўрсаткичдир. Биз нафақат техника соҳасида ҳамкорлик қиламиз, балки мамлакатларимиз ўртасида алоқаларни ривожлантиришни мақсад қилганмиз. Бу эса биз ишбилармонлар учун мамлакатингизда лойиҳаларимизни режалаштиришга пухта замин яратади.

**Андрей НОВИЦКИЙ, BCG-Бостон консалтинг гуруҳи ҳамкори ва бошқарувчи директори:**

– Ўзбекистонда BCG билан ҳамкорликда бир қанча лойиҳалар амалга оширилди. Ҳамкорлик Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини тадқиқ этишдан бошланган эди. Унинг доирасида ўнлаб хорижий сармоядорлар ва юзлаб маҳаллий тадбиркорлар ўртасида сўров ўтказилди. Мақсад қайси йўналишларда илғор мамлакатлардан фарқли жиҳатлар мавжудлиги, қайси йўналишларга ўзгартиришлар киритиш кераклигини аниқлашдан иборат эди. Шунга кўра, қонунчиликнинг солиқ, божхона, экспорт-импорт соҳалари бўйича ўзгартишлар киритишга оид таклифлар дастури ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда мана шу ўзгаришларнинг илк самаралари намоён бўлмоқда. Натижада Ўзбекистон иқтисодиётига қизиқиш ортиб бормоқда, немис компаниялари ҳам юртингизга инвестиция киритиш юзасидан шартномалар имзолашга тайёр.

**Сара БОРЕЛЛА, ГФР Савдо-саноат палаталари ассоциацияси олий кенгаши аъзоси:**

– Форум доирасида ГФР Савдо-саноат палаталари ассоциацияси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Бу икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим қадамлардан биридир. Савдо-саноат палаталари ассоциацияси ГФРдаги йирик уюшма бўлиб, унинг вазифаси корхоналарни бирлаштириш ва ташқи бозорга чиқишига кўмаклашишдан иборат.

Биз Ўзбекистонга муҳим мамлакатлардан бири сифатида қараймиз. Палатамиз немис корхоналарига инвестиция киритиш ва ўзаро товар айланмасини оширишда кўмаклашади. Келгусида Германия ва Ўзбекистондаги барча компаниялар ўзаро ҳамкорлик қилиши, янги шериклар топиб, улар билан шартномалар имзолаши, ўзаро товар айланмасини ошириши учун барча имкониятларни ишга соламиз.

**Стефан ХАЙД, "Roland berger" компанияси вакили:**

– Дунёнинг 50 мамлакатидан 2 мингдан зиёд маслаҳатчи фаолият олиб бораётган компаниямиз бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси билан қўшма лойиҳа устида иш олиб бормоқда. Автомобиль йўллари тармоғи хусусий капитални жалб қилувчи манбадир. Шу боис, биз ўз тажрибамизни давлат хусусий шерикчилиги муносабатлари асосида йўлга қўйиш ниятидамиз.

**Зузана ФРАНЦ, ODDO BHF (Франция – Германия молиявий хизматлар гуруҳи) минтақалараро бошқаруви директори:**

– "Ўзсаноатқурилишбанк" билан 50 миллион евролик лойиҳани молиялаштириш учун битим имзоладик. Ўтган йили савдони молиялаштириш, ғазначилик, мутахассисларни ўқитиш соҳалари бўйича ўзбек корхоналари билан ҳамкорликда ишлаш, сармоядорларни жалб қилиш мақсадида юртингизда бўлдик. Келгусида муваффақиятли ҳамкорлик қилиш, янги лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз.

Ўзбекистон – Марказий Осиёдаги энг ишончли мамлакат. Сўнгги йилларда юртингизда юз бераётган ўзгаришлар кўпчилик сармоядорларни ўзига жалб этмоқда. Хусусан, хусусий сектор соҳаси ҳамда саноат корхоналаридаги кўплаб сармоядорларимиз Марказий Осиёга инвестиция киритишга қизиқиш билдирмоқда. Ўзбекистон банклари билан бирга уларнинг режаларини амалга ошириш ва мамлакатингиз иқтисодиётига инвестициялар жалб қилишда кўмак кўрсатамиз, деган умиддамиз.

**ЎзА**

*Сергели тумани ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

# СЕРГЕЛИ ТУМАНИНИНГ 2019 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 31 декабрь, 52-(1)-сон) 28, 99-моддалари, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда;) 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 13 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги СҚ-348-III-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086-сонли қарори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида"ги 402/46-5-сонли қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 27 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида"ги 1865-сонли қарори, халқ депутатлари Сергели тумани Кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги "Сергели туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджети даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида"ги 126/1-13-қ-сонли қарори ҳамда Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасининг 2018 йил 27 декабрдаги 02-4-сонли хатига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086-сонли қарори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида"ги 402/46-5-сонли қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 27 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида"ги 1865-сонли қарори ҳамда халқ депутатлари Сергели тумани Кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги "Сергели туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджети даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида"ги 126/1-13-қ-сонли қарорлари билан қабул қилинган Сергели туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджети ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Сергели туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджети асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

Сергели туман маҳаллий бюджетининг 2019 йил даромадлари ва харажатлари, шаҳар маҳаллий бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ажратиладиган мақсадли ижтимоий трансфертлар миқдори 2-иловага мувофиқ;

Давлат солиқларидан шаҳар ва туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ;

Сергели туман маҳаллий бюджетининг 2019 йил учун нақд пул касса айланмасининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Сергели туман молия бўлимига ўрнатилган тартибда туман маҳаллий бюджетига маблағлар ва бюджет ссудалари (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутларини қоплаш учун) олишда, уларнинг миқдорлари бўйича барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишидан, шунингдек, иш ҳақи (ягона ижтимоий тўлов билан), нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича бюджет харажатларини биринчи навбатда сўзсиз молиялаштирилиши заруруригидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштириш ҳуқуқи берилсин.

4. Сергели туман молия бўлимига Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасининг билдиришномасига кўра, бюджетнинг даромад ва харажат қисмига ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин.

5. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.М.Яркулов зиммасига юклатилсин.

**Сергели тумани ҳокими**
**Н.Ҳусанов**

*2019 йил 7 январь*

# МИРОБОД ТУМАНИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

***Миробод тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган халқ депутатлари Миробод тумани Кенгашининг йигирма биринчи сессиясида тумандаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора раҳбарларининг туман Кенгаши депутатлари ва жамоатчилик олдида ўтган 2018 йилда амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботи тингланди.***

Айтиш жоизки, Миробод туманининг умумий ер майдони 17,13 кв.м. ни, аҳолиси 136,1 минг кишини ташкил этади. Туманда 39 та маҳалла жойлашган.

Туманда 5023 та кичик бизнес субъектлари рўйхатдан ўтган. Ўтган йил давомида ишламай турган 69 та корхона ўз фаолиятини қайта тиклади. Бу билан туман иқтисодиётида кескин ўсишлар кузатилди.

Туман ҳокими Ш.Пўлатовнинг маълум қилишича, аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ ўтган йили 2779 та янги иш ўринлари яратилди. Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 2018 йилда жами 110 та лойиҳа ишга туширилиб, натижада 532 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Сессияда Миробод тумани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари — туман прокурори А.Охунов, туман ИИО ФМБ бошлиғи М.Миролимов, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд раислари Д.Жўраев, А.Абдуллаевлар ўтган 2018 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот бердилар. Миробод тумани ИИО ФМБ бошлиғи М.Миролимовнинг билдиришича, туман жиноятчилик ва унга қарши кураш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича Республикада биринчи ўнталикдан жой олган. Туманда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилган. Бугунги кунда ҳам мазкур соҳадаги ишлар сусайтирилмасдан олиб борилмоқда.

Сессияда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари туман депутатлари, жамоатчилик вакилларидан тушган саволларга батафсил жавоб беришди.

— Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди, — дейди халқ депутатлари Миробод тумани Кенгаши депутати Ш.Жабборова. — Албатта, унда айрим ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар ҳам кўтарилди. Бу борада депутатлар ўз муносабатини билдириб, камчиликларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб ўтдилар.

Сессияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**З.ШАРИФЖОНОВ**

***Бугунги кунда техника тараққиётида янгидан-янги замонавий технологияларнинг кириб келаётганлиги сабабли ҳаётимизнинг ҳар лаҳзасини электр энергиясисиз тасаввур этиш қийин ва ҳар бир жараёнда электр энергияси жуда муҳим ўрин тутади.***

# ФОЙДАЛАНИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ УЧУН ТЎЛОВЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАНГ

Электр энергиясидан фойдаланиш учун электр энергияси ҳисоблагичлари ўрнатилиши — бу электр энергияси манбаини ишлаб чиқариш, уни беҳуда сарфламаслик ва ундан оқилона тежаб-тергаб фойдаланишда давлат аҳамиятига молик масалалардан биридир. Электр энергияси учун корхона, ташкилот ёки хонадонда ўрнатилган электр ҳисоблагичлар орқали истеъмол қилинган электр энергияси сарфи миқдори билан белгиланган кўрсаткич бўйича тўланади.

Ёқилғи-энергетика комплексини модернизация қилиш ҳамда технологик қайта жиҳозлаш, энергия ресурслари етказиб бериш ва истеъмол қилиш соҳасида шартнома мажбуриятларига сўзсиз риоя этиш, шунингдек, суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишнинг таъсирчан механизмларини яратиш – мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодиётнинг тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришга қаратилган ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим шартлари ҳисобланади.

Электр ва газ таъминоти соҳасида ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича бошқарув тизимини, назорат ва ҳисобга олиш механизмларини янада такомиллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, жавобгарликни кучайтириш, ижро иши юритишнинг самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида 2017 йил май ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюроси ташкил этилган.

Мажбурий ижро бюроси асосий вазифаларига:

— энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлаш;

— энергия ресурсларини сотиш ва истеъмоли ҳисобини юритишда иштирок этиш;

— энергия ресурслари истеъмолчиларининг масъулияти ва ҳуқуқий маданиятини ошириш чораларини кўриш;

— қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, суриштирув ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ишлари киради.

Ҳозирги пайтда ҳар бир юридик шахс ёки фуқаронинг ўз вақтида тўловларни амалга ошириши электр энергияси тармоқларида янгилаш, реконструкция қилиш ва қурилиш ишларини ўз вақтида амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшиш демакдир.

**Алишер ТИРКАЧЁВ,**
**"Ўздавэнергоназорат" давлат инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими инспектори**

# ҚИСҚА САТРЛАРДА

- Ўзбекистон Давлат санъат музейида "Ипаклари тиллодан — безаклари сержило" номли кўргазма очилди.
- Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида шоира Дилбар Ҳайдарованинг "Қуёш сонатаси" номли китобининг тақдимоти ўтказилди.
- "Гранд Орзу" меҳмонхонасида "Оила" илмий-амалий тадқиқот марказининг жамоатчилик билан ишлашга масъул бўлган ходимлари ва германиялик мутахассислар иштирокида дастлабки тренинг ўтказилди.
- Пойтахтимизда қиличбозлик бўйича ёшлар ўртасида ўтказилаётган Ўзбекистон чемпионати баҳслари 27 январда якунланади.
- Шаҳримиздаги шахматга ихтисослашган республика болалар-ўсмирлар спорт мактабида 8, 10, 12 ёшли ўғил-қизлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионати ниҳоясига етди.
- Чилонзор туманидаги 232-умумтаълим мактабида "Ёшлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш — бош мақсадимиз" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.
- Тошкент шаҳар прокуратурасида "Судья ва ёшлар" очиқ мулоқоти ҳамда унда иштирок этаётган ёшлар учун вояга етмаганлар тақдири билан боғлиқ сайёр суд йиғилиши ташкил қилинди.
- Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводида "Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ тизимидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш, эксплуатация ва таъмирлаш сифатини тубдан такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларига бағишланган тадбир уюштирилди.
- Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида "Виртуал оламнинг ёшлар маънавиятига таъсири" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.







**Футбол янгиликлари**

## РОБЕРТО КАРЛОСНИНГ ТАШРИФИ

***ЎФА мамлакатимизда футболни оммалаштириш, ёш авлод ўртасида футболга бўлган қизиқишни янада ошириш бўйича бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда.***

Жумладан, жаҳон футболи юлдузи, Бразилия терма жамоаси таркибида жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлган чарм тўп устаси Роберто Карлос Тошкентга келди. Моҳир чарм устаси пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари билан учрашди, болажонларга мастер-класс намойиш этди. Тадбир доирасида ўзбекистонлик машҳур чарм тўп усталари ва фахрийлари иштирокида ўн дақиқадан иборат икки бўлимли ўртоқлик учрашуви уюштирилди. Роберто Карлос эса бу учрашувда ҳар икки жамоа таркибида бир бўлимдан майдонга тушди. Тадбир якунида Роберто Карлос ва маҳаллий мутахассислар иштирокида матбуот анжумани уюштирилди. Хуллас, бразилиялик афсонавий футболчи ўзбек футболи билан яқиндан танишди.

## ОЛИМПИЯ ТЕРМА ЖАМОАМИЗ НАВБАТДАГИ ЙИҒИНДА

***ЎФА мамлакатимизда аёллар футболи ривожига ҳам катта эътибор қаратмоқда.***

Маълумки, 2020 йилда Япония пойтахти Токио шаҳрида ёзги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади. Баҳром Норсафаров бош мураббийлигидаги Ўзбекистон аёллар терма жамоаси зиммасига ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланмани қўлга киритиш вазифаси юклатилган. Шу боис ҳам Ўзбекистон аёллар олимпия терма жамоамиз айни кунларда Тошкент вилоятининг "Пирамида" оромгоҳида навбатдаги ўқув-машғулот йиғинини ўтказмоқда. Қувонарлиси, мураббийлар тоғли ҳудудда футболчиларнинг жисмоний ҳолатини яхшилаш ва жамоа асосини шакллантиришга ҳаракат қилишмоқда.

## ОРЗУСИ АМАЛГА ОШАРМИКАН?

***БААда футбол бўйича ташкил этилган Осиё кубогида Ўзбекистон терма жамоаси сафида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Жалолиддин Машарипов ОАВ вакилларига келгуси режалари ҳақида ахборот берди.***

Ўтган мавсумда "Пахтакор" шарафини ҳимоя қилган Жалолиддин Машариповнинг клуб билан тузган шартномаси муддати якунига етган. Ҳозирда умидли футболчига хориж клубларидан таклифлар тушмоқда.

Аммо Жалолиддин Машариповнинг орзуси фақат Европа клубларида тўп суриш. Унинг фикрича, Европа клубларида ўйнаган футболчигина маҳоратини юксалтира олади ва миллий терма жамоасига яқиндан халқаро турнирларда ёрдам бера олади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

**Биласизми?**

## НИМА УЧУН АЧЧИҚ ТАОМЛАРНИ ХУШ КЎРАМИЗ?

***Айримлар ҳар бир таомни аччиқ қалампир билан истеъмол қилса, айримлар эса аксинча. Аслида қалампирдаги фаол моддалар барчага бир хилда таъсир қилади. Хўш, унда нима учун ҳамма аччиқ қалампирга ҳар хил муносабатда бўлади?***

Аччиқ қалампир аччиқ таомлардан узоқроқ юрадиганларга кучли таъсир кўрсатади. Бу онг билан боғлиқ бўлиб, аччиқ таомни ёқтирмайдиганлар учун қалампирнинг таъсири бир неча баробар ошиб кетади. Парҳезшуносларнинг айтишича, аччиқ таом меъёрида фаолият юритадиган овқат ҳазм қилиш тизими учун асло зарарли эмас.

Капсаицин — қалампирга аччиқ таъм берувчи модда. Айнан у рецепторларга таъсир кўрсатиб, нафас олишимизни қийинлаштириб юборади. Бу хавфлидек туюлиши мумкин, лекин у худди ялпизли сақич чайнаган ҳолатдагидек таъсир кўрсатади, фақат совуқнинг ўрнига иссиқни ҳис қиласиз.

Аччиқ таомларни хуш кўрувчилар туғилганиданоқ эмас, йиллар давомида аччиқни ёқтириб қолувчиларга айланишганини таъкидлашади. Аччиқ таомларга ўрганиб қолиш қалампирнинг таъсирига кўникиш ҳисобига пайдо бўлади. Ҳиндистон ва Мексикада болаликдан бошлаб аччиқ таомлар истеъмол қилишгани боис улар қалампирнинг аччиғига чидамли бўлиб етишадилар.

Аччиқ қалампир табиий термогеник ҳисобланади — у тана ҳароратини кўтаради. Шунинг учун аччиқ таомларни хуш кўрувчилар иссиқ иқлимда истиқомат қилувчи кишилардир — ташқи ва ички муҳит шу ҳолатда бир-бирига мос келади. Бундан ташқари, аччиқ қалампир кайфиятни кўтарувчи эндорфин моддаси ишлаб чиқарилишига сабаб бўлади.

* * *

Ривожланган давлатларда 40 фоизга яқин озиқ-овқат маҳсулотлари чиқитга чиқади. Озиқ-овқатлар чиқиндисидан чиқадиган газ иқлимни ва атроф-муҳитни зарарлайдиган газлар орасида учинчи ўринда туради. Муаммонинг асосий сабаби озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжнинг ошиши ва одамлар сонининг ўсишидир. Сотувчилар ўз савдолари ҳажмини ошириш мақсадида дўконларни озиқ-овқат маҳсулотларига тўлдириб ташлайдилар, харидорлар эса меъёрдан ортиқ ана шундай маҳсулотлар сотиб олишади.

Гарвард университети олимларининг аниқлашича, биргина америкаликлар бир йилда қиймати 165 млрд. долларга яқин 40 фоиз озиқ-овқат маҳсулотини чиқитга чиқаришади. Шу боис айрим мамлакатларда озиқ-овқат танқислиги кузатилмоқда. Сайёрадаги 805 миллионга яқин инсон бундан азият чекмоқда.

**О.ЯХШИБОЕВ тайёрлади**


**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

"Kapital Plus" микрокредит ташкилотининг
Баланс ҳисоботи
*2018 йил "31" декабрь ҳолатига*

| КОД | ТАРИФ | КЎРСАТКИЧЛАР | | МИНГ СЎМ |
|---|---|---|---|---|
| | | **АКТИВЛАР** | | |
| 10 | 10100 | Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари | | 4 602 |
| 20 | 10500 | Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар | | 68 417 |
| 30 | 16300 | Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар | | 113 855 |
| 40 | 11100 | Сотиб олинган дебиторлик қарзлари — факторинг | | 0 |
| 50 | 12401+12405+12409+12501+12505+12509+12701+12705+12709+14801+14809+14901+14909+15101+15109+15701+15703+15707 | Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмол), брутто | 4 151 044 | |
| 51 | 12499+12599+12799+14899+14999+15199+15799 (қисман*) | Минус: кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси | 18 610 | |
| 52 | | Кредитлар, соф (50 код-51 код) | | 4 132 434 |
| 60 | 15600+15709-15799 (қисман**) | Микролизинг, соф | | 0 |
| 70 | 16500 | Асосий воситалар, соф | | 133 135 |
| 80 | 16600 | Номоддий активлар, соф | | 0 |
| 90 | 16701 | Бошқа хусусий мулклар | 0 | |
| 91 | 16707+16799 | а. Минус: Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси | 0 | |
| 92 | | б. Бошқа хусусий мулклар, соф (90 код-91 код) | | 0 |
| 100 | 19900+16100+16400 | Бошқа активлар | | 12 073 |
| **110** | | **Жами активлар (10+20+30+40+52+60+70+80+92+100)** | | **4 464 516** |
| | | | | |
| | | **МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ** | | |
| | | | | |
| | | **МАЖБУРИЯТЛАР** | | |
| 210 | 21400+21600+22000 | Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар | | 0 |
| 220 | 22100 | Лизинг бўйича мажбуриятлар | | 0 |
| 230 | 22400 | Тўланиши лозим бўлган фоизлар | | 0 |
| 240 | 22500 | Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар | | 58 416 |
| 250 | 22800 | Муддати узайтирилган даромадлар | | 146 |
| 260 | 29800+22200 | Бошқа мажбуриятлар | | 446 551 |
| **270** | | **Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260)** | | **505 113** |
| | | | | |
| | | **КАПИТАЛ** | | |
| 310 | 30301 | Устав капитали | | 2 015 000 |
| 320 | 30903 | Умумий захира фонди | | 164 792 |
| 330 | 30905 | Текинга олинган мулклар | | 0 |
| 340 | 31701 | Ўзлаштирилган грант маблағлари | | 500 000 |
| 350 | 31203 | Тақсимланмаган фойда | | 588 |
| 360 | 30908 | Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси | | 32 254 |
| 370 | (40000-50000) +/- 31206 | Жорий йил фойдаси (зарар) | | 1 246 770 |
| **380** | | **Жами капитал (310+320+330+340+350+360+370)** | | **3 959 403** |
| **390** | | **Жами мажбуриятлар ва капитал (270+380)** | | **4 464 516** |

"Kapital Plus" микрокредит ташкилоти МЧЖнинг 31.12.2018 йилгача молиявий ҳисоботи ҳаққонийлиги МЧЖ шаклидаги "Транс-Аудит-А" аудиторлик ташкилоти (лицензия # 00381 молия вазирлиги томонидан 17.06.2008 йилда берилган) томонидан қониқарли деб топилган.

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 01.07.2015 йилда №008655-11 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "OROM-YAKKASAROY HOTEL" МЧЖ (СТИР 303380910) таъсисчиларнинг 22.01.2019 йилдаги №3 сон қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Яккасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 83-уй, 14-хонадон манзилида қабул қилинади.
Тел: +99898 360-00-51.

"Асака" АТ банк автотранспорт филиали (ИНН: 202071396)нинг "ASAKA" BANKI AVTOTRANSPORT FILIALI JAMG`ARMA KASSASI №9 ҳамда "ASAKA" BANKI AVTOTRANSPORT FILIALI "TO`LANDI" KASSIR: AXUNJANOVA D.F номли штамплари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Қибрай филиали Тошкент вилояти, Қибрай тумани, А.Навоий кўчасида 24/7 иш режимида ишловчи ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи банк хизматлари шохобчаси (Енгил конструкцияли, ойнали)ни қуриш бўйича қурувчи ташкилотни танлаш учун

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Таклиф ва мурожаатлар эълон чоп этилганидан сўнг 7 иш куни мобайнида ёпиқ конвертда қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Зебунисо кўчаси, 7-уй. Телефон: (78) 150-20-87.

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 32-сон мактаб томонидан 2013 йилда Абдужаббаров Жамолиддин Акбарали ўғли номига берилган U № 6117141 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент меҳмонхона хўжалиги касб-ҳунар коллежи томонидан Саидов Эркинжон Алишер ўғли номига 2014 йилда берилган К № 3545072 рақамли диплом (дубликат) йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


**ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР**

## МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

**Хаёл ҳамиша олдинда юради.**

* * *

**Бировнинг вақти билан ҳисоблашмаган нодон.**

* * *

**Қандай яшасанг, шундай оқибатга эришасан.**

* * *

**Аҳмоқнинг ақли билан иш қилган кулгига қолади.**

* * *

**Шайх Саъдий айтади:**

**Анушервон одил бир кун ўз хизматчилари билан овга чиқди, кўпгина ҳайвонларни овладилар. Анушервон овланган ҳайвон гўштларини кабоб қилишга буюрди, туз йўқлиги учун бир хизматчисини чақириб:**

**– Шу яқин орадаги қишлоққа бориб туз келтир, лекин туз баҳосини тўлаб эгасини рози қилиб ол, – деб буюрди.**

**Хизматчи таажжуб қилиб:**

**– Арзимаган нарса учун ҳам эгаси норози бўладими? Ҳаққини тўламай олаверсак эгасига нима зиён бўлади? – деди.**

**Анушервон айтди:**

**– Сўзинг тўғри эмас, чунки зулм, адолатсизлик мана шундай арзимаган нарсадан бошланиб, зўрайиб кетади. Агар мен боғбоннинг бир олмасини арзимаган нарса деб баҳосини тўламай олиб есам, одамларим у олма дарахтини бутун илдизи билан суғуриб оладилар ёки эгасидан сўрамай яримта тухум олиб есам, одамларим мингта товуқни сихга тортадилар. Мана шундай қилиб, зулм, адолатсизлик кучая бориб, халқни паришон аҳволга туширади.**

* * *

**Майдон полвонсиз қолмайди.**

* * *

**Ман этилган нарсага етишиб, ҳеч ким наф кўрмаган.**

* * *

**Сўз ва иш бирлиги камдан-кам кишиларга насиб этади.**

* * *

**Индамай ишини қилган ютади.**

* * *

**Ақлли одам бировнинг сири билан қизиқмайди.**

* * *

**Кимни бурч тутиб туради, кимни андиша.**

* * *

**Нафси ёмон – ранги сомон.**

* * *


**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

Тошкент тиббиёт академиясининг ректорати ва касаба уюшмаси Тошкент тиббиёт академиясининг 2-сон ички касалликлари кафедраси мудири, профессор Аброр Асрорович Хамраевнинг турмуш ўртоғи

**Дилфузахон Абдужалиловна ХАМРАЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **26 январь** куни ҳаво ўзгариб туради. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 0-2 даража совуқ, кундузи – 10-12 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **26 январда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г-146

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2918 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14:20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ